РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.62.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

РАХИМОВ АНВАР МЕЛИКМУРОТОВИЧ

БИЛАК СУЯКЛАРИ БИТМАЁТГАН СИНИҚЛАРИ ВА СОХТА БЎҒИМЛАРИНИ КОМПЛЕКС ХИРУРГИК ДАВОЛАШ

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2020

УЎК: 616.717.4-001.59-089

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимов Анвар Меликмуротович
Билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини
комплекс хирургик даволаш 3

Рахимов Анвар Меликмуротович
Комплексное хирургическое лечение несросшихся переломов и
ложных суставов костей предплечья 21

Rakhimov Anvar Melikmurotovich
Complex surgical treatment of non-united fractures and
pseudoarthrosis of the bones of the forearms 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.62.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

РАХИМОВ АНВАР МЕЛИКМУРОТОВИЧ

БИЛАК СУЯКЛАРИ БИТМАЁТГАН СИНИҚЛАРИ ВА СОХТА БЎҒИМЛАРИНИ КОМПЛЕКС ХИРУРГИК ДАВОЛАШ

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.niito.uz), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлигининг (www.uza.uz) порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ходжанов Искандар Юнусович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каримов Муродулла Юлдашевич** тиббиёт фанлари доктори
	Валиев Эркин Юлдашевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019 Tib.62.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____»_____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Ирисметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Рустамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

А.П.Алимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Билак суяклари синишларида секин консолидация ва сохта бўғимлар холатлари кўп учрайдиган оғир асоратлардан ҳисобланади. Суяк синишларидан кейинги сохта бўғимлари барча узун суяклар синишлари орасида «энг замонавий даволаш усуллари қўлланилганда хам 20%гача учрайди»[1]. «Қўлнинг узун суяклари синишлари орасида эса, билак суякларининг посттравматик сохта бўғимлари 53,5%ни ташкил этади»[2]. Билак суяклари сохта бўғимларида нафақат суяк тўқимаси, балки юмшоқ тўқималар томонидан ҳам патологик ўзгаришлар кузатилади, бу ўз навбатида даволашни янада қийинлаштиради. Сохта бўғимларнинг атрофик ёки гипертрофик табиати, патологиянинг билакдаги локализацияси муаммоси, мавжуд остеостимуллаш усулларининг самарасизлиги, билак суякларининг битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларига жарроҳлик йўли билан даволашда комплекс ёндашув етарли эмас эканлиги, янги самарали оптимал даволаш усулларини излашни тақозо этади.

Жахоннинг етакчи мамлакатларида билак суякларининг битмаётган синишлари ва сохта бўғимлари диагностикаси ва уларни даволаш усуллари оптимизацияси бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Патологик ўчоқ соҳасига ауто- ва аллотрансплантатларни кўчириб ўтказиш, турли хил ташқи фиксацияловчи мосламаларини ўрнатиш, компрессион-дистракцион усулларни қўллаш каби жарроҳлик амалиётлари амалга оширилмоқда. Турли суяк регенерациясини кучайтирувчи стимуляция усуллари, стабил ва бошқарилувчи фиксация мосламалари ишлаб чиқилмоқда. Узун суяклар посттравматик сохта бўғимларини оператив даволашнинг усуллари ва тактикасини танлашда дифференциал ёндашувлар такомиллаштирилмокда. Суяк дефектлари сохасида пластика қилиш, аутоостеотрансплантация ўтказиш, тромбоцитлар билан тўйинтирилган аутоплазмадан фойдаланиш, эркин реваскуляр микрохирургик аутотрансплантатлар ўтказиш хамда турли ташқи остеосинтез аппаратларини ўрнатиш каби жарроҳлик муолажалар ўтказилмоқда. Юқорида келтирилган замонавий диагностика ва даволаш усулларининг турли-туманлигига қарамай, билак суякларининг сохта бўғимлари сонининг кўплиги ва уларнинг асосан меҳнатга лаёқатли одамлар орасида учраши бу муаммонинг янада долзарблигини кўрсатмоқда.

Давлатимизда тиббий хизматнинг асосий вазифаларидан бири таянч-ҳаракат аппарати жароҳатларида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилашни таъминлаш ва шу мақсадда чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Аҳолига тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун тиббий-ижтимоий ёрдам тизимининг янада ривожланиши ва

---

[1] Ахмедов Б.А. Способ лечения пострадавших с несросшимися переломами и ложными суставами длинных костей конечностей огнестрельного генеза // Травматология и ортопедия России, 2010.-№1(55).-94-98

[2] Соколова М.Н. Лечение больных с дефектами и ложными суставами костей предплечья методом чрескостного остеосинтеза // Диссертация кан.мед.наук.-Курган, 2011.-138с.

такомилланиши хамда шикастланишларни ва уларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар, жумладан «...ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш...»[3] белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан билакда битмай қолган синиқлар ва сохта бўғимлари бўлган беморларни даволашда маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган дори воситаларини қўллаш, остеорегенерацияни стимуллаш учун организмни ички ресерсларидан фойдаланиш, хамда жаррохлик операциялар усулларини такомиллаштириш орқали яхшилаш, хозирги замон травматологияси ва ортопедиянинг энг долзарб йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари VI. «Тиббиёт ва фармакология» га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, сўнгги 10-15 йил ичида билак суяклари синишининг учраш миқдари камаймаяпти ва турли муаллифлар маълумотларига кўра 10-53% ни ташкил қилади (Борзунов Д.Ю., Соколова М.Н., 2010; Купкенов Д.Е., 2011; Neverov VA, Cherniaev SN.,2013; Матвеев Р.П., Брагина С.В, Шнейвейс А.М., 2017; Мироманов А.М., Гусев К.А., Усков С.А. и др., 2017). Билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг қониқарсиз натижалари миқдори юқори бўлиб қолмоқда ва турли муаллифларнинг фикрига кўра, 17,5-24% ни ташкил қилмоқда (Ашимов К.Д., 2000; Соколова М.Н., 2011). Суяк пластикасининг турли вариантлари, металлоостеосинтез ва суяк пластикаси, компрессион остеосинтез услублари билак суяклари синиқларининг асоратларини жарроҳлик йўли орқали даволаш натижалари яхшиланишига ёрдам берди. Бироқ билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси охиригача ҳал этилган деб бўлмайди (Соколова М.Н., 2011; Ибрагимов С.Х., 2000; Oestern H.G., Giebel, 2002).

Мамлакатимизда ушбу муаммони хал қилиш юзасидан қатор изланишлар ўтказилган. Узун суяклар синишларини даволашда остеосинтезнинг кам инвазив усуллари такомиллаштирилган (Мусаев Т.С., Толипов Н.Н., Наврузов С.Ю., Машарипов Ф.А. ва бошқ., 2016). Ходжанов И.Ю., Байимбетов Г.Дж.лар (2010) узун суяклар шикастланишларини оператив ва консерватив даволаш усулларини метал мосламалар ёрдамида даволашни такомиллаштиришган. Билак суяклари синиқлари асоратларининг юқори частотаси, улар туфайли ногиронлик ва меҳнатга лаёқатлиликнинг вақтинчалик ва барқарор йўқотилишига бағишланган илмий ишлар олиб борилган (Муминов А.Ш., 2003.).

---

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Бугунги кунда травматологияда ишлатиладиган 100 дан ортиқ тиббиёт ускуналари маълум, улар сихли, стерженли ва сих-стерженли турларга бўлинади. Компрессион-дистракцион ускуналар ёрдамида даволашда турли хил асоратлар (спицалар атрофидаги яллиғланиш жараёнлари, нейроваскуляр ҳосилаларнинг шикастланиши, спица олди остеомиелити ва бошқалар) 27-33% гача етади (Зедгенидзе И.В., 2008; Клюшин Н.М., Шляхов В.И., Злобин А.В., ва бошқ., 2010; Шалыгина О.И., Кузнецова Н.Л., Золотушкин М.Л. , 2012). Муаллифлар фикрига кўра (Пусева М.Э., Михайлов И.Н., Сидорова Г.В., 2009; Соломин Л.Н., Кулеш П.Н., Пусева М.Э., 2007; Чепелева М.В., Борзунов Д.Ю., Злобин А.В. ва бошқ., 2012), билакнинг функциясини тиклаш учун зарур шарт бу билак-тирсак бирлашмасида нормал анатомик алоқаларни яратишдир. Монтеджи эски шикастланишларига келсак, кўпгина тадқиқотчилар билак суяги бошчасининг резекциясини афзал кўришади (Пусева М.Э., Михайлов И.Н., Сидорова Г.В.), уларнинг баъзилари тирсак суяги битмаган жойида остеогенезни кучайтириш учун резекцияланган бошчани қўллашни тавсия қилади (Panov A.A., Kopysova V.A., Svetashov A.N., et all., 2018). Айрим муаллифлар фикрига кўра (Krzykawski R., Król R., Kamiński A., 158), суяк кўмиги металл штифтлардан фойдаланиш даврида суяк парчаларини тезроқ битишига ижобий ёрдам беради, аммо бошқа муаллифларнинг таъкидлашича (Ihab Badawi, 2017), суяк кўмиги каналини олдиндан ўйиб тешиш эндостал қон айланишини сезиларли даражада бузади ва шу билан репаратив остеогенезни заифлаштиради. Шу сабабли билак суякларининг синиқ асоратларини жарроҳлик йўли билан даволаш юзасидан хозиргача мутахассислар орасида ягона фикр мавжуд эмас.

Диссертацион тадқиқотнинг тадқиқот ўтказилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ССВ ТОИТИ илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида 2010-2013 йиллар мобайнида ва 2009-2011 йй да «Узун найсимон суяклари сохта бўғимларини даволашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзуси бўйича АТСС 7.2 доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини патологик ўчоқ хусусияти, унинг локализацияси ва даволашга комплекс ёндошув орқали натижаларни яхшилашдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг қониқарсиз натижалари частотасини ўрганиш;

шикастланиш хусусияти ва жойлашувига боғлиқ равишда билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини комплекс даволаш услубларини оптималлаштириш;

билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган беморларда турли жарроҳлик амалиётларидан сўнг, иммунологик кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш;

экспериментал каламушларда аутоген қизил илик таъсирини посттравматик сохта бўғим майдонидаги таъсирини ўрганиш;

билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини жарроҳлик йўли билан даволашдан кейинги натижаларнинг турли муддатларда жарроҳлик амалиётлари турига боғлиқ ҳолда қиёслама таҳлилини ўтказиш;

беморларда билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини турли жарроҳлик йўли билан даволашдан кейинги узоқ муддатли натижаларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг катталар травматологияси бўлимида 2009-2017 йиллар мобайнида даволанган билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган 83 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети клиник-лаборатор тадқиқотлари, иммунологик, МСКТ ва рентгенографик тадқиқотлар натижаларидан иборат бўлди.

Тадқиқот услублари. Илмий тадқиқот жараёнида тадқиқотнинг клиник, антропометрик, рентгенологик, мультиспирал компьютер томографияси, иммунологик ва статистик услублари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда мужассам:

билак суякларининг битмаётган синишлари ва сохта бўғимларини хирургик даволашда патологик ўчоқ локализациясини инобатга олган холда танланадиган дифференциал даволаш тактикаси ишлаб чиқилган;

билак суякларининг битмаётган синишлари ва сохта бўғимларини хирургик даволашда протеолитик фермент воситаси (кукумазим) ва аутосуяк кўмиги трансплантациясининг биргаликда қўлланилиши билакда кечаётган остеорепарация жараёнларининг нормал кечишига оптимал шароит яратиши исботланган;

билак суякларининг битмаётган синишлари ва сохта бўғимларини хирургик даволашда протеолитик фермент воситаси (кукумазим)нинг аутосуяк кўмиги билан биргаликда суякдаги патологик ўчоқда локал қўлланилиши беморнинг иммунологик параметрлари динамикасини ижобий силжишига сабаб бўлиши исботланган;

билак суякларининг битмаётган синишлари ва сохта бўғимларини хирургик даволашда протеолитик фермент воситаси (кукумазим)ни гипертрофик ва атрофик локал ўзгаришлар холатига нисбатан қўллаш частотаси аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда мужассам:

билак суякларининг битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини диагностика қилишнинг рентгенологик ва антропометрик мезонлари таклиф қилинган;

билак суякларининг битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини жарроҳлик билан даволаш тактикаси таклиф этилган;

«Билак суякларининг битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини даволаш тактикасини танлаш алгоритми» электрон дастури ишлаб чиқилган;

узун найсимон суяклар сохта бўғимлари таснифи такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалиётда замонга ҳамнафас кенг қўлланиладиган

тадқиқотнинг клиник-ускунавий, иммунологик ва статистик услублари билан тасдиқланди. Статистик таҳлил услублари олинган натижаларнинг ишончлилиги исботлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларида иммунологик ўзгаришлар ҳақидаги назарий билимларга нисбатан янгича қарашлардан иборат, протеолитик фермент воситасини қўллаш орқали уларнинг стимуляция қилиш қўл функцияларини тиклаш муддатларининг оптимизациясига ёрдам беради. Иш натижалари билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича талабалар ва курсантларини ўқитиш дастурини такомиллаштириш имконини берди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилиши, унинг амалиётга жорий этилиши эса асоратлар ривожланишини сусайтиришига ёрдам берди, ҳамда уларнинг клиник ва рентгенологик усулларга асосланган даволаш самарадорлигини ошириш имконини амалга оширди.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини ташхислаш ва даволаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

«Узун найсимон суяклар битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимларни комплекс даволаш» номли услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 8н-д/267-сон маълумотномаси). Олинган натижалар қўл функцияси тикланиши имконини берган;

билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини даволаш тактикасини танлаш учун ташхислаш ва регенерация вақти ҳамда натижаларини бахолаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 8н-д/267-сон маълумотномаси). Олинган натижалар иммунологик кўрсаткичлар даражасини ижобий силжишларини олиш имконини берган;

билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимлари тадқиқотининг илмий натижалари ва уларни даволаш услубларини жорий қилиш, жумладан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий марказининг Самарқанд филиали ва Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши натижаларнинг 1,5 мартага яхшиланишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 6 илмий-амалий анжуманлар, шундан 3 ҳалқаро ва 3 маҳаллий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 38 илмий иш, улардан 12 та мақола Ўзбекистон

Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини эълон қилишга тавсия қилган илмий нашрларда, жумладан 8 таси республика журналлари, 4 таси ҳорижий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, иш объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, диссертация мавзуси бўйича чоп этилган нашрлар бўйича маълумотлар ва диссертация тузилмаси баён этилган.

Диссертациянинг **«Билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини ташхис қилиш ва даволашнинг замонавий ҳолати (Адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи боби билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимлар этиопатогенези, таснифи, кечиш хусусиятлари, клиник аломатлари, ташхиси ва иммунологик жиҳатлари ва мавжуд даволаш услублари бўйича замонавий адабиётлар таҳлилига бағишланган. Билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимларини амалиётда мавжуд дори воситаси, биокимёвий услублар, протеолитик ферментлар ва жарроҳлик йўли билан даволаш услублари ёритилган, узоқ муддатли даврда асоратлар сабаблари ўрганилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида беморлар тавсифлари, инструментал, антропометрик, иммунологик ва статистик тадқиқотлар маълумотлари Excel 7,0 дастурлари ёрдамида тахлил қилинган. Билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган 83 нафар беморнинг 2009-2017 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедияга илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган текширувлари ва даволаш муолажаларининг натижалари келтирилган.

Беморлар икки асосий ва бир назорат гуруҳига ажратилди. 1-асосий гуруҳ 2012 йилдан кейин даволанган 28 (33,8%) нафар билак суяклари битмай қолган синиқлари (3 бемор) ва сохта бўғим (25 бемор) бўлган беморлар ташкил этди. Улардан 20 та ҳолатда пластиналарни маҳкамлаш орқали ауто суяк пластикаси ўтказилган ва 8 беморга Хахутов услуби бўйича суяк пластикаси ўтказилган, бунда жароҳат билак суягининг тепа учдан бир қисмида жойлашган эди. 2-асосий гуруҳ 32 (38,5%) нафар билак ўрта ва қуйи учдан бир қисми жароҳатланган ва 2012 йилдан буён назоратимизда бўлган беморлар ташкил этди. Улардан 3 нафар беморда билак суяклари битмай қолган синиқлари ва 29 нафарида сохта бўғим кузатилган. 2-асосий гуруҳнинг атрофияли сохта бўғими бўлган беморларга (19 бемор) сохта бўғим нисбатида остеотомия ўтказилди, бунда Илизаров аппарати қўйиш

орқали дистракцион регенерация, кукумазим эритмаси ва ауто суяк кўмиги юборилиши учун хос шароит яратилди. 10 та гипертрофик сохта бўғим вазияти ва суяклар битмай қолиши кузатилган 3 беморда Илизаров аппаратини қўйиш, ҳамда кукумазим воситаси ва ауто суяк кўмиги юбориш муолажаси амалга оширилди. Назорат гуруҳи 2009 йилдан 2012 йилгача даволанган 23 (27,7%) нафар билак суяклари битмай қолган синиқлари (5 бемор) ва сохта бўғими бўлган (18 бемор) ва Илизаров аппарати ёрдамида компрессион-дистракцион остеосинтез (17 бемор) ва сихлар билан интрамедулляр остеосинтез қўлланган бемордан (6 бемор) иборат бўлди.

30та 6 ойлик оқ лаборатор каламушларда (оғирлиги 250-270 г) экспериментлар ўтказилди. Экспериментлар жониворларга инсоний муносабатда бўлишнинг халқаро қоидалари ва Биоэтика Қўмитаси экспериментал протоколларига асосланган холда [14], (протокол № 120, 09.09.2013) бажарилди.

Каламушлар сон суягида посттравматик сохта бўғимлар хосил қилиниб, 49 сутка давомида кузатилди. Жониворлар 2 гурухга бўлинди: 1 – назорат - жониворлар давосиз кузатилди; 2 – экспериментал – сохта бўғим жойига сон суягидан олинган 0,4-0,5 мл миқдоридаги аутоген қизил суяк илиги тўқималари 1,3-1,5 мм диаметрли инъекцион игна ёрдамида юборилди. Каламуш оёғи шиналанди. Регенерат тўқимаси гистологик текширувлардан ўтказилди. Регенерат майдонидаги суякли, хондроид, тўқимали бириктирувчи қисмлар миқдорий хисоби аниқланди.

Диссертациянинг «**Билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган беморларни комплекс хирургик даволаш усулларининг клиник таҳлили»** деб номланган учинчи бобида иккала асосий гуруҳда битмай қолган синиқ суяклар ҳамда сохта бўғимларнинг жойлашуви ва турига боғлиқ равишда жарроҳлик йўли билан даволаш турлари келтирилган.

Биринчи жарроҳлик амалиёти технологияси: «Илизаров аппаратини қўйиш, кукумазм ва ауто суяк кўмиги юбориш орқали амалга ошириладиган комплекс жарроҳлик йўли билан даволаш», бу амалиёт синиқ суяклар битмай қолиши ёки гипертрофик сохта бўғими билакнинг ўрта ва қуйи учдан бир қисми жойлашувида амалга оширилади. Стабил остеосинтез шароитида сегментини қисқариб қолишини бартараф этилишини ўз ичига қамраб олган суяк синиқлари мослаштирилгандан сўнг, сохта бўғим соҳасига ёки битмай қолган соҳага жарроҳликдан 1 кеча-кундуз аввал 50 ПЕ дозада кукумазим воситаси юборилди. Эртанги кун стерил шароитда умумий оғриқсизлантириш остида бемор тўғри ётган ҳолатида жароҳатланган сегментга Илизаров аппарати қўйилади. Сўнг ёнбош суяк (os ilium) қирраси орасидан 2 мл ўлчамида аутосуяк кўмиги аралашмаси олинади, ва уни асептик шароитда бевосита сохта бўғим соҳасига ёки битмай қолган синиқ соҳасига юборилади. Кейинги кундан бошлаб, кунига 3-4 марта 1 мм дан Илизаров аппаратининг мунтазам дистракцияси бошланади. Зарурий дистракцияга эришилгандан сўнг, икки проекцияда рентгенография ўтказилади, яна силжишлар бўлса, Илизаров аппарати ёрдамида компрессия амалга оширилади. Гипертрофик (ГСБ) ёки атрофик (АСБ) сохта бўғим ёки

суяклар битмай қолган синиқлари табиатидан қатъий назар кукумазим эритмаси юборилгандан сўнг, компрессион-дистракцион остеосинтез ёпиқ услубда амалга оширилган. Илизаров аппарати қўйилгандан 5-6 кеча-кундуздан ўтиб, компрессия тўлиқ шаклда ўтказилади.

Иккинчи жарроҳлик амалиёти технологияси: Билак ўрта ва пастки учдан бир қисмида АСБ суяклари жойлашувидаги «Илизаров аппаратини қўйиш орқали суяк синиқлари остеотомияси комплекс жарроҳлик амалиёти». Мазкур патологияда жарроҳликдан 1 кеча-кундуз аввал атрофия бўлган сохта бўғим соҳасига 50 ПЕ дозасида кукумазим воситаси юборилади. Кейинги кун умумий оғриқсизлантириш остида суяк ўқи тузатилиб, суяк бўлакларининг тўғри ориентацияси амалга оширилади ва Илизаров аппарати ўрнатилиб, стабил остеосинтез шароитида сегмент қисқариши бартараф этилади, проксимал суяк қисмининг остеотомияси амалга оширилади. Суяк бўлакларининг дистракцияси ҳар куни 1-2 мм дан нуқсон тўлиқ бартараф этилгунга қадар ўтказилади. Нуқсонга боғлиқ ҳолда, дистракция 2-6 ҳафта давомида ўтказилади, бу вақт оралиғида суяк қадоғи пайдо бўлишини кузатиш учун назорат рентгенографияси ўтказилади. Суяк бўлаклари бирикишида жароҳат ўрнига 2 мл аутосуяк кўмиги юборилади, жароҳат жойи, Илизаров аппарати сихлари атрофи ва игна кирган жойга асептик боғлам қўйилади. Илизаров аппарати жароҳатдан кейинги суяк синиқлари битиб кетгунига қадар сақланади.

Учинчи жарроҳлик амалиёти технологияси: Билак суяклари битмай қолган синиқлари ёки сохта бўғимининг (АСБ ва ГСБ) юқори учдан бир қисмида жойлашувидаги «Комплекс жарроҳлик амалиёти: пластинани маҳкамлаш, кукумазим эритмаси ва ауто суяк кўмиги бир марта юбориш орқали суяк пластикаси». Жарроҳликдан 1 кеча-кундуз аввал жароҳат ўрнига 50 ПЕ кукумазим эритмаси юборилади. Кейинги кун умумий оғриқсизлантириш остида жароҳат жойи очилади, суяк синиқларининг учлари юмшоқ тўқималарнинг фиброзланган соҳаларидан тозаланади. Битиш жараёнини стимуллаш мақсадида аввалдан олинган аутосуяк бўлаги қўйилади ва тепа қисмидан темир пластина билан маҳкамланади. 1 ой ўтиб, стерил шароитда ёнбош суякдан 2 мл аутосуяк кўмиги олинади, ва уни жароҳат сохасига юборилади. Суяк бўлаклари тўлиқ битиб кетгандан сўнг, рентгенография назорати остида темир маҳкамлагичлар олиб ташланади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида беморлар жароҳатларининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, даволаш тактикасини танлашни енгиллаштирувчи «Билак суяги битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимида даволаш тактикаси алгоритми» ишлаб чиқилди (DGU 06751)

Диссертациянинг «**Билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимларини комплекс хирургик даволашда иммунологик ва экспериментал текширувлар натижалари**» деб номланган тўртинчи боби билак суяги синиқларининг битмай қолиши ва сохта бўғимида жарроҳликкача ва жарроҳликдан кейин иммун тизимни ўрганишга қаратилган.

Ҳужайравий ва гуморал иммунитетнинг жарроҳликдан аввал, жарроҳликдан 2, 4 ва 6 ой ўтиб, билак суяги синиқларининг битмай қолиши ва сохта бўғими бўлган уч гуруҳдан иборат бўлган ва фермент кукумазим эритмаси ва жароҳат ўрнига ауто суяк кўмиги кўчирилиб ўтказилиши (2 ва 3-гуруҳлар) комплексида турли жарроҳлик амалиётлари ўтказилган беморларда асосий кўрсаткичлари тадқиқоти ўтказилди. 1-назорат гуруҳи ва 3-асосий гуруҳда остеосинтез Илизаров аппаратини қўллаш орқали амалга оширилди, 2-асосий гуруҳда ауто суяк пластикаси ўтказилди. Жарроҳликкача уччала гуруҳда лейкопения ва лимфопения (назорат маълумотларига нисбатан $p<0,001$) кузатилган, биз томонимиздан жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг уч гуруҳи ўртасида лейкоцитлари ва лимфоцитлари миқдорида ишончли фарқлар аниқланмади. Ўрта ҳисобда лейкоцитлар миқдори мос равишда, 30%, 28%, 20,7%га пасайган.

Кузатув муддатлари бўйича иммунологик кўрсаткичларнинг натижаларини умумлаштириб, биз қуйидаги ҳулосага келдик:

- жарроҳликдан аввал уччала гуруҳда беморларда дастурланган ҳужайралар нобуд бўлиши (апоптоз) CD95+ маркерлари ошиши фонида иммунитет Т-ҳужайравий бўғинининг кучли анергияси, IgA ва IgG концентрацияси сусайиши, CD25+ ва CD38+ ижобий фаоллик маркерлари ажралиши пасайиши кузатилган;



1-расм. Билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган беморларда фаоллашиш маркерлари экспрессиясининг жарроҳликдан аввалги кўрсаткичлари

- жарроҳликдан 2 ой ўтиб, беморларга кукумазим эритмаси ва ауто суяк кўмиги юборилган 2- ва 3- гуруҳларда суяк тўқимаси регенерацияси фонида Т-ҳужайравий иммунитет бўғини кўрсаткичларининг ўсиши кузатилди, улар назорат кўрсаткичларидан ишончли ўзиб кетган эди; 1-гуруҳда В-лимфоцитларнинг миқдори ва IgG ва IgA нинг концентрацияси, ва $CD25^+$ и $CD38^+$ ҳужайраларнинг ажралиши кузатилди;

- остеосинтез Илизаров аппарати ёрдамида ўтказилган ва остеорепарация жараёнлари секинлашган 1-гуруҳ беморларида меъёр кўрсаткичига етмаган Т-ҳужайравий иммунитет кўрсаткичларининг ортиши кузатилди, IgG ва IgA иммуноглобулинларининг меъёр кўрсаткичларидан баланд бўлган ишончли ошиши аниқланган;

- жарроҳликдан кейинги давридан 4 ой ўтиб, суяк тўқимасининг регенерацияси фонида уччала гуруҳда Т-лимфоцитлар, $CD4^{+}$- Т- хелперлар/ индукторларнинг умумий миқдори меъёрга келиши кузатилди; гуморал иммунитет кўрсатгичларининг белгиланган турлича йўналган кўрсатгикчлари суяк тўқимаси регенерациясининг турлича жадаллиги натижасида рўй берган, у эса кукумазим эритмаси ва АСК юборилишига боғлиқ бўлган. Беморларнинг 1-гуруҳида ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсатгичлари, ижобий фаоллик маркерлари ўзгариши соғлом инсонлар кўрсатгичларига нисбатан ишончли ошиши аниқланган, бу ҳолат иммунитет фаоллишининг давом этаётганидан дарак беради;

- кузатувнинг 6 ойига келиб, 2 ва 3 – гуруҳ беморларида ҳужайравий ва гуморал иммунитет ва ижобий фаоллашиш кўрсаткичлари меъёрга келиши кузатилди. Суяк тўқимаси регенерацияси секин кечаётган 1-гуруҳ беморларида иммунитетнинг Т-ҳужайравий бўғини тўлиқ тикланмади, IgG ва IgA иммуноглобулинлари юқори кўрсаткичлари сақланиб қолди.



2-расм. Билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган беморларда фаоллашиш маркерлари экспрессиясининг жарроҳликдан 6 ой кейинги кўрсаткичлари

Каламушларда ўтказилган экспериментал ва морфологик текширувлар шакллантирилган регенератлардаги суяк тўқимаси майдони назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 7-суткада 12,2 % га ошиши, хондроид майдонининг эса 12,6% га асосий гурухларда камайиши аниқланди. Бириктирувчи тўқима майдони текширув муддатларида катта фарқланмади.

Қизил суяк илиги юборилгач суяк тўқимаси майдони 14-суткада 7-суткага нисбатан 7,9% га ошди, хондроид майдони эса 7,2% га камайди.

Назорат гуруҳи кўрсаткичларига кўра регенератдаги суяк тўқимаси майдони экспериментал гуруҳга нисбатан 17% га ошди, хондроид майдони эса 15,7% га камайди. Хондроид майдонининг камайиши 28-суткада ҳам кузатилди. Шундай қилиб хондроид майдони 7-сутка билан таққослаганда 14,4% га ва 14-сутка билан таққослаганда эса 6,5% га ошиши қайд этилди. Бириктирувчи тўқима майдони деярли ўзгармади.

Экспериментал ва назорат гуруҳларида регенерат тўқималари майдонини 28-суткада таққослаш кўрсатдики, тажриба жонворларида хондроид майдони 24,3% га камаяди, суяк тўқимаси майдони эса 22,8% га кўпаяди. Тажриба охирига келиб, аутологик қизил суяк илиги таъсири регенератдаги суяк тўқимасининг умумий майдони 39% ни ташкил қилишига ижобий таъсир қилди. Ундан ташқари, суяк каналида регенератнинг қайта қурилиши ва редукцияси ҳисобига буткул регенерат майдонининг камайишига тенденция кузатилди. Суяк илигининг репаратив остеогенезига ижобий таъсир қилиш самараси трансплантат суяк илигининг нафақат фаол биологик моддаларга, балки мезенхимал стромал тўқималарга бойлиги ва остеобластларга айланиш хусусиятига эга эканлиги билан изоҳланади. Натив қизил суяк илигини суяк синишлари ва сохта бўғимларида репаратив остеогенез стимуляцияси учун қўллаш афзалликлари исботланди.

Диссертациянинг «**Билак суяклари битмаётган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган беморларни комплекс хирургик даволаш натижаларини таққослаш**» деб номланган бешинчи боби икки асосий гуруҳда биз томонимиздан ўтказилган жарроҳлик амалиётлари натижалари, ҳамда назорат гуруҳидаги жарроҳлик амалиётларининг ретроспектив маълумотлари таҳлилига бағишланган. Клиник-рентгенологик маълумотларга таянган ҳолда, билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси танланди. Танлов мезонлари сифатида жароҳат жойлашуви, тури (ГСБ ёки АСБ), билак суяклари битмай қолгин синиқлари ёки сохта бўғим кабилар хизмат қилди.

Яқин муддат (1 йилгача) ва узоқ муддатли (1 йилдан юқори) жарроҳлик амалиётлари таҳлили ўтказилди. Иммобилизация муддатларининг якуний натижалари сифати ва миқдорига кўра қиёсланди (0-3 балл). Танлаб олинган бемор гурухлари, яъни билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган беморларда ўтказилган тадқиқотлар беморлар жароҳатларининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, даволаш тактикасини танлашни енгиллаштирувчи «Билак суяги битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимида даволаш тактикаси алгоритми» (DGU 06751) ишлаб чиқилган (1-жадвал).

1-жадвал

Билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимини ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш алгоритми

СУЯК БИТМАЙ ҚОЛИШИ	СОХТА БЎҒИМ
Клиникаси: 1. Аҳамиятсиз локал оғриқ;	Клиникаси: 1. Оғриқли синдром мавжуд эмас;

2. Синиқ рўй бергандан 3-6 ойлик муддат 3. Синиқ соҳасида аҳамиятсиз патологик ҳаракатчанлик.	2. Муддат вақти – синиқ рўй бергандан 6 ой ўтган; 3. Аҳамиятли даражадаги атипик жойлашган патологик ҳаракатчанлик.
Рентгенография: 1. Периостал ва синиқ суяклар орасида кам кўринган қадоқ; 2. Синиқ чизиғи сақланиб турибди; 3. Суяк синиқлари четлари склерози; 4. Суяк илиги канали бўш, ёпадиган пластиналар мавжуд эмас; 5. Суяк ўқи қийшаймаган.	Рентгенография: 1.Ёпадиган пластиналар мавжуд эмас; 2. Суяк илиги каналлари ёпиқ; 3. Жароҳат жойида суяк тўқимасининг кучли склерози; 4. Суяк бўлаклари орасида ёриқ кузатилади; 5. Суяк ўқи қийшаган; 6. Суяк етишмовчилиги кузатилади.
МСКТ: 1. Суяк илиги канали ҳолати аниқланади; 2. Суяк бўлаклари битмай қолиши аниқланади.	МСКТ: 1. Суяк фрагментларининг склерозланган даражаси кўринади; 2. Суяк илиги канали ёпиқлиги кўринади. 3. Суяк бўлакларининг сўрилиши даражаси ва суяк дефекти аниқланади.
Жароҳат билак суяклари юқори учдан бир қисмида жойлашишида “Жарроҳлик йўли билан комплекс даволаш: Пластинани маҳкамлаш, кукумазим эритмаси ва ауто суяк кўмиги трансплантацияси орқали суяк пластикасини ўтказиш” жарроҳлик амалиётининг тамойиллари:	
Асосланиши: жароҳат тирсак бўғимига яқин жойлашгани учун суяк бўлакларига маҳкамланадиган пластина қўлланилади, негаки Илизаров аппаратини ўрнатишнинг иложи йўқ.	
- жароҳатнинг мазкур жойлашуви ўзининг анатомик хусусиятларига эга .	
- бир биридан узоқроқ турган билакнинг бир ёки иккала суяги жароҳатланишида.	
Жароҳат билак суяклари ўрта ва пастки учдан бир қисмида жойлашишида “Жарроҳлик йўли билан комплекс даволаш: Илизаров аппаратини ўрнатиш, кукумазим эритмасини бир марта юбориш ва ауто суяк кўмиги трансплантацияси”.	
- Билак суяклари битмай қолиши ёки гипертрофик сохта бўғим.	
- Илизаров аппаратини ўрнатиш эҳтимоли.	
- Сих маҳкамлагичлар ўрнатилаётган вақтда юмшоқ тўқималар жароҳатланиши минимал бўлади, ва улар ёндош бўғимлардан узоқроқ жойлашади.	
- билакнинг иккала суяги жароҳатланганда.	
Жароҳат билак суяклари ўрта ва пастки учдан бир қисмида жойлашишида “Жарроҳлик йўли билан комплекс даволаш: Илизаров аппаратини ўрнатиш, кукумазим эритмасини бир марта юбориш ва ауто суяк кўмиги трансплантацияси”.	
-Атрофия бўлган сохта бўғим ва суяк нуқсонининг кучли ифодаланиши.	
- Дистракцион регенерат яратиш мақсадида проксимал синиқ юқори қисмида остеотомия.	
- Билак суякларининг анатомик хусусиятларини инобатга олган ҳолда Илизаров аппаратини ўрнатиш.	
-Билакнинг бир суяги жароҳатланганда.	

Узун найсимон суяклар битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини бахолаш бўйича биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастур ўтказилган амалиёт сифатини тез ва аниқ бахолаш имконини беради ва бунда анатомик, клиник, функционал ва рентгенологик маълумотларни инобатга олади.

Бизнинг назорат гуруҳи беморлари ва 1, 2-асосий гуруҳлардаги билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғимлари бўлган беморларнинг жарроҳликдан кейинги натижалари қиёсий таҳлилини ўтказдик. Ўтказилган жарроҳлик амалиётини инобатга олган ҳолда биз беморларда суяк қадоғи пайдо бўлиш вақти ва тўлиқ етилиш муддати каби тушунчаларнинг ўртача кўрсаткичларини рентген суратлари, функцияларнинг ёндош бўғимларда ҳаракатлар амплитудаси орқали тикланиш муддатларини (ҳаракатлар ҳажми), юмшоқ тўқималар тикланиш муддатлари ва иммобилизация муддатлари давомийлиги маълумотлари бўйича қиёсладик.



3-расм. Билак суяклари битмай қолган синиқлари ва сохта бўғими бўлган назорат гуруҳи, 1-асосий ва 2-асосий гуруҳлар беморларида узоқ муддатли рентгенологик мезонлар

Назорат гуруҳидаги тадқиқотларга кўра, рентген-суратлар маълумотлари бўйича суяк қадоғининг ҳосил бўлиши 82,1±0,63 кунни, 1-асосий гуруҳда бу жараён ўртача 5 кун аввал бошланган ва 77,1±0,67 кунни, 2-асосий гуруҳ беморларида эса яна ҳам қисқа бўлиб, ўртача 73,2±0,52 кунни ташкил этган ($p<0,001$), назорат гуруҳига нисбатан ўрта ҳисобда 9 кун аввал бошланган. Бизнинг фикримизча, суяк қадоғи пайдо бўлишининг бу каби сезиларли қисқариши кукумазим эритмасини АСК билан юборилиши билан боғлиқ, бу воситалар остеорепарация жараёнларининг катализаторлари бўлдилар.

Суяк қадоғининг тўлиқ ҳосил бўлишининг ўртача кўрсаткичи назорат гуруҳида 206,4±0,66 кун, иккала асосий гуруҳларда эса қадоқнинг етилиши муддати анча олдин: 1-гуруҳда – ўртача 197,5±0,48 кун ($p<0,001$), 2-асосий гуруҳда эса - 192,7±0,43 кун ($p<0,001$), яъни назорат гуруҳидан мос равишда, 9 ва 14 кунга олдин рўй берган.

Турли гуруҳлардаги беморларда тирсак бўғимида ҳаракатлар амплитудасининг қиёсий таҳлилида бирор фарқ кузатилмади ва уччала гуруҳда ҳам кўрсаткичлар меъёрий ўлчамлар доирасида бўлган. Бироқ билак-кафт бўғимидаги кўрсаткичлар аҳамиятли тарзда фарқланган. Демак, назорат гуруҳида БКБда ҳаракатлар амплитудаси ўртача 138,2±1,7° ни ташкил этди,

1-асосий гуруҳда - 170,2±1,1º, 2-асосий гуруҳда бу кўрсаткич 164,2±2,3º ни, меъёр эса 170-180ºни ташкил этади.

